Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 143 (20. 710) • 1990 йил 24 июнь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

РСФСР Коммунистик партиясининг таъсис съезди тўғрисида

Ахборот

1990 йил 22 июнь куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида РСФСР Коммунистик партиясининг таъсис съезди ўз ишини давом эттирди.

Мажлисларда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби, СССР Президенти М. С. Горбачев раислик қилди.

Съезд РСФСР Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимига кўрсатилган номзодларни муҳокама қилиб бўлди.

Эрталабки мажлисининг охирида ҳисоб комиссияси сайланди.

Кечки мажлисда овоз берилди. Сайлов натижасида РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимига кўрсатилган етти номзоддан ҳеч бири овозларнинг зарур кўпчилигини ололмади.

Сўнгра овоз беришнинг иккинчи давраси ўтказилди. Яширин овоз бериш учун бюллетенга биринчи даврада энг кўп овоз олган О. И. Лобов ва И. К. Полозков ўртоқлар киритилди. Сайлов якунлари 23 июнда чиқарилади.

Партия таъсис съезднинг қатнашчилари РСФСР халқ депутатларининг биринчи съездига мурожаатнома қабул қилдилар.

ДЎСТЛИК ВА ҚЎШНИЧИЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ўрта Осиё жумҳуриятлари раҳбарлари Олмаотада

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР делегацияси, Қирғизистон ССР Олий Советининг Раиси, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. М. Масалиев бошчилигидаги Қирғизистон ССР делегацияси, Тожикистон ССР Олий Советининг Раиси, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Қ. Маҳкамов бошчилигидаги Тожикистон ССР делегацияси, Туркманистон ССР Олий Советининг Раиси, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. А. Ниёзов бошчилигидаги Туркманистон ССР делегацияси Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарларининг учрашувида қатнашиш учун 21—22 июнь кунлари Олмаота шаҳрига келди.

СССР, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Қозоғистон пойтахти аэропортида меҳмонларни Қозоғистон ССР Президенти, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Н. А. Назарбоев кутиб олди. Кутиб олувчилар орасида Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг, Қозоғистон ССР Президентлик кенгашининг аъзолари, жумҳурият министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари бор эдилар.

* * *

Владимир Ильич Ленин Ўрта Осиё регионида халқ ҳокимияти қарор топиши ва Совет Шарқи жумҳуриятлари давлатчилигининг ривожланиши учун кўп иш қилган эди. 22 июнь куни Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарлари доҳийга чуқур ҳурмат бажо келтириб, унинг ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Қозоғистон ССР Президенти, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Н. А. Назарбоев, Қирғизистон ССР Олий Советининг Раиси, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Масалиев, Тожикистон ССР Олий Советининг Раиси, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Қ. Маҳкамов, Туркманистон ССР Олий Советининг Раиси, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. А. Ниёзов, расмий делегацияларнинг бошқа аъзолари гуллар қўйишди. 28 гвардиячи-панфиловчилар номли боғдаги ёдгорлик пойига ҳам гуллар қўйилди.

Шу куни учрашув қатнашчилари Қозоғистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлдилар, кўргазмада кўп миллатли Қозоғистоннинг иқтисодиёти, ижтимоий соҳаси, халқ таълими, санъати ва маданияти қандай ривожланаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Улар, жумҳурият енгил саноатининг байроқдори — Олмаота ипгазлама комбинатига ҳам бордилар, унинг бўлинмалари иши билан танишдилар, меҳнат жамоаси вакиллари билан суҳбатлашдилар.

Делегацияларнинг аъзолари шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, баъзи савдо иншоотларини кўздан кечирдилар. Халқ чолғу асбоблари музейида бўлдилар ва у ерда концерт қўйиб берилди.

Қозоғистон ССР Президенти номидан зиёфат берилди.

* * *

ҚЎШМА ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

23 июнь куни Олмаотада, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Қозоғистон жамиятининг биносида Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарлари учрашуви ҳужжатларини имзолаш маросими бўлди.

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Қозоғистон ССР Президенти, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Н. А. Назарбоев, Қирғизистон ССР Олий Советининг Раиси, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. М. Масалиев, Тожикистон ССР Олий Советининг Раиси, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Қ. Маҳкамов, Туркманистон ССР Олий Советининг Раиси, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. А. Ниёзов Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг Баёнотини имзоладилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсандов, Қозоғистон ССР Министрлар Кенгаши Раиси У. Караманов, Қирғизистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси А. Жумагулов, Тожикистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси И. Ҳаёев, Туркманистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси Ҳ. Аҳмедов Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ССРнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлиги тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Ушбу битимни амалга оширишнинг аниқ программасини Ўзбекистон ССР давлат план комитети раиси Б. С. Ҳамидов, Қозоғистон ССР давлат план комитети раиси К. А. Абдуллаев, Қирғизистон ССР давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосари М. Ойболаев, Тожикистон ССР давлат план комитети раиси Т. Назаров, Туркманистон ССР давлат план комитети раиси М. Ражабов имзоладилар.

Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР раҳбарлари Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон халқларига Мурожаатнома қабул қилдилар.

(ҚозТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ҚОЗОҒИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ҚИРҒИЗИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ТОЖИКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ТУРКМАНИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ РАҲБАРЛАРИНИНГ

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон халқларига МУРОЖААТНОМАСИ

Олмаота шаҳри 1990 йил, 23 июнь.

Азиз ватандошлар, ака-укалар ва опа-сингиллар!

Мамлакат ва жумҳуриятларимиз ҳар бирининг тақдири учун оғир бўлган бир пайтда биз барча халқларнинг орзу-умидларига ҳамиша мос келган, инсон турмушида етакчи маънавий мезон бўлган дўстлик, яхши қўшничилик, иноқлик сўзлари билан сизларга мурожаат қилишни ўз бурчимиз, деб билдик. Бу тушунчалар алоҳида изоҳни талаб қилмаса керак. Кўпмиллатли жумҳуриятларимизда бу сўзлар қадим-қадимдан анъаналар ва урф-одатларимизнинг ҳаётий барқарор моҳиятини ташкил этади, бизларнинг мураккаб тарихий тажрибамиз улардан нурафшондир, мислсиз социалистик қадриятларимиз ва эзгу орзуларимиз уларга асосланган. Дўстона муносабат, қалб саховати ва меҳмондўстлик, вазминлик ва донишмандлик бизда ҳамиша ҳамма нарсадан улуғлаб келинган. Ўзаро ёрдам, қардошлик ва бирдамлик туйғусини ҳис этган ҳолда биз муқаррар муваффақиятларга эришдик, маҳрумликларга бардош бердик ва қийинчиликларни енгиб ўтдик. Бугунги кунда ҳам умумий хонадонимиз тўғрисида ҳаммамиз биргаликда ғамхўрлик қилиш билангина жамиятни янгилашда олға томон силжишга эриша оламиз.

Мана шу йўлдаги ҳар бир қадам қийинчилик билан ташланмоқда — яқин ўтмишда йўл қўйган хатоларимиз, ижтимоий тараққиёт қонунларини назар-писанд қилмаганлигимиз, турмуш воқеликларига ақидапарастлик билан муносабатда бўлганлигимиз бизга ғоят қимматга тушмоқда. Буларнинг ҳаммаси иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг аҳволига, жамиятнинг маънавий ва руҳий соғломлигига муқаррар таъсир кўрсатди. Афсуски, ҳиссиётга таъсир этиб, носоғлом эҳтиросларни, жумладан, миллатлараро адоватни авж олдираётган баъзи бузғунчи кучлар вужудга келган қийинчиликлардан ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринмоқдалар. Бу эса кейинги вақтда кўпинча оғир оқибатларга, кўп ҳолларда фожиа билан тугайдиган ва одамлар бошига ғам-алам солишдан бошқа ҳеч нарса келтирмайдиган можаролар чиқишига олиб келмоқда.

Биз, учрашув қатнашчилари, нуроний оқсоқолларга, эркаклар ва аёлларга, йигит ва қизларга, коммунистлар ва партиясизларга, жамоат ташкилотларига, янги тузилмалар ва ҳаракатларга, жумҳуриятларимиз Ватанига айланган барча халқларнинг вакилларига мурожаат қилиб, уларни бутун куч, билим ва ғайратини умумий фаровонлигимиз йўлидаги бунёдкорлик меҳнатига, бирлик ва жипсликни мустаҳкамлашга сафарбар қилишга даъват этамиз. Ақл-идрок ва вазминлик, фикрлаш ва хатти-ҳаракатларда босиқлик ҳозир ҳар қачонгидан кўра зарурдир.

Буюк аждодларимиз ҳотираси бугунги кунда бизларни кучғайратни бирлаштиришга, қардошликнинг тарихий ришталарини мустаҳкамлашга даъват этмоқда. Мангу барҳаёт шоирлар, мутафаккирлар барча даврларда халқлар дўстлиги ва иноқлигини куйлаб келганлар. Эзгулик ва меҳр-муҳаббатни инсон қалбининг бебаҳо бойлиги сифатида улуғлаганлар.

Биз учрашувда қабул қилинган ҳужжатларнинг моҳияти ва мазмунига минтақадаги барча аҳоли ўз муносабатини билдиради ҳамда уни қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламиз. Биз ҳам ўзимизга берилган ҳокимиятдан тўла фойдаланиб, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, конституцион нормаларга ва қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларига қатъиян риоя этилиши, иқтисодий, ижтимоий ва миллатлараро муаммолар самарали ҳал этилиши учун барча ишларни қиламиз.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти И. КАРИМОВ

Қозоғистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Олий Советининг Раиси А. МАСАЛИЕВ

Тожикистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Олий Советининг Раиси Қ. МАҲКАМОВ

Туркманистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Олий Советининг Раиси С. НИЁЗОВ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ҚОЗОҒИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ҚИРҒИЗИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ТОЖИКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ, ТУРКМАНИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ РАҲБАРЛАРИНИНГ

БАЁНОТИ

Олмаота шаҳри. 1990 йил, 23 июнь.

Биз шиддатли сиёсий жараёнлар, қадриятларга қайта баҳо бериш, ҳаётнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва маънавий соҳаларидаги тангликни бартараф этиш даврини бошимиздан кечирмоқдамиз. Биз ана шу мураккаб туб бурилиш даврида қайта қуришнинг асосий йўналишларидаги ҳаракатларимиз бирлигига эришишимиз ва куч-ғайратларимизни мувофиқлаштиришимиз айниқса зарур. Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг учрашуви худди шу вазифаларга хизмат қилади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларини на фақат жуғрофий яқинлик, айни вақтда муштарак тарихий тақдирлар, маданиятлар, анъаналар ва расм-русумларимизнинг яқинлиги ҳам бирлаштириб турибди. Биз жумҳуриятларнинг қарор топган ҳудудлари бузилмаслигини тасдиқлаймиз ва улар кимнингдир хоҳиш-иродаси билан, бу жумҳуриятларнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ноёб табиий-иқлимий шароитларга, бой имкониятларга эга. Улардан самарали фойдаланиш аҳолининг турмуш даражасини анча оширишга, фақат минтақамизнигина эмас, шу билан бирга умуман мамлакатимизнинг кўпгина муаммоларини ҳал этишга имкон беради. Бироқ минтақа иқтисодиётининг юзага келган йўналиши, яъни унинг ҳом ашё етказиб берувчи минтақа бўлиб қолиши ижтимоий жиҳатдан ривожланишда анча орқада қолишга сабаб бўлди. Экологиянинг аҳволи, соғлиқни сақлаш соҳаси, айниқса болалар ўлими, аҳолининг узоқ умр кўрмаслиги, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари билан қониқарсиз таъминланиш катта ташвиш туғдирмоқда. Тақчилликнинг кучайиб бораётганлиги ва сув ресурсларининг ифлосланиши минтақа аҳолисини экологик ҳалокат ёқасига олиб келди ва минтақамизнинг ҳам, умуман бутун мамлакатимизнинг ҳам маблағ ва ресурсларини жалб этишни талаб қилади.

Биз янги иттифоқ шартномасини тузиш асосида мамлакатимизнинг федерал тузилмасини янгилаш тарафдоримиз, бу эса жумҳуриятларнинг миллий-тарихий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўзига хослигини ҳисобга олиб ва улар ҳар бирининг дастлабки аҳволига холис баҳо бериб, алоқаларнинг ғоятда ранг-баранг шаклларини ривожлантиришга кафолат бўлур эди. Бу халқларга амалда ўз ерларининг ҳақиқий соҳиблари бўлишга имкон беради, тўпланиб қолган муаммоларни самарали ҳал этиш учун шарт-шароит яратади.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистоннинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлиги тўғрисидаги кўп томонлама ҳукуматлараро битим шу принциплар асосида тузилди. Унда умумиқтисодий муаммолар, фан ва техника, маориф ва маданият, экология, молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш соҳаларидаги ҳамжиҳатликнинг устун йўналишлари белгилаб берилган. Меҳнатга лаёқатли аҳолини оқилона равишда иш билан банд қилишга эришиш мўлжалланган. Жумҳуриятлараро программани ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга алоҳида эътибор берилган. Жумҳуриятлар иқтисодиётини тузилиш жиҳатидан қайта қуришни мувофиқлаштиришни ҳамда ташқи иқтсодий алоқаларни ривожлантиришда биргаликда фаолият кўрсатишни таъминлайдиган тадбирлар режалаштирилган. Умумиттифоқ бозори вужудга келтирилаётган шароитда ишлаб чиқаришга техникавий маҳсулотларни ҳамда халқ истеъмоли молларини ўзаро фойдали асосда айирбошлаш назарда тутилади. Битимни амалга ошириш учун доимий ишлайдиган Ҳамкорлик мувофиқлаштириш кенгаши тузилади, унга барча зарур ваколатлар берилади.

Эришилган битим бозор механизмининг шаклланишига, иқтисодиёт интеграциясига, марказдан қочма тамойилларни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф этишга ва пировард натижада аҳоли фаровонлигини оширишга кўмаклашади, деб ҳисоблаймиз.

Орол бўйининг экологик ҳалокати минтақанинг ўткир муаммоси ҳисобланади. Биз Орол денгизи ҳавзасидаги экологик мувозанатни тиклашга қаратилган куч-ғайратларни бирлаштириш мақсадида жумҳуриятлараро комиссия тузиш ва Оролбўйи аҳолиси учун ёрдам жамғармаси таъсис этиш тўғрисида келишиб олдик, ушбу минтақада яшовчи кишилар турмушини яхшилаш билан боғлиқ бошқа бир қанча муҳим масалалар юзасидан ҳам битимга эришилди. Лекин мазкур ўткир муаммони узил-кесил ва сўзсиз ҳал этиш учун булар етарли эмас.

Биз ССР Иттифоқи Президенти М. С. Горбачевга, СССР Олий Советига мурожаат этиб, улардан Оролбўйини Умумхалқ ҳалокати зонаси деб эълон қилишни ва ушбу муаммони ҳал этишга БМТ ихтисослашган муассасалари ҳамда бошқа халқаро ташкилотларни жалб этиб, Умуминиттифоқ экология жамғармасини тузиш ҳисобига Оролбўйидаги экологик мувозанатни тиклашга доир давлат программасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишларини сўраймиз. Биз Оролни қутқаришнинг ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг принципиал йўлларидан бири сифатида Сибирь дарёларининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга ташлаш муаммосига қайтиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, бу 50 миллиондан ортиқ киши яшайдиган минтақанинг истиқболини ҳал қилувчи даражада белгилаб беради.

Аҳолини, айниқса унинг кам таъминланган қисмини бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга кафолат берадиган қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши зарурлигига алоҳида эътибор бериш керак.

Биз халқларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни, ҳамжиҳатликни дўстликни чуқурлаштириш — энг аввало Бутуниттифоқимизни мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб ҳисоблаймиз.

Жумҳуриятларимизнинг халқлари совет кишилари турмушини яхшилаш мақсадида барча соғлом кучларни уюштириш негизида мамлакатимиздаги ва ҳар бир минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлашга бўлган умидларини КПССнинг бўлажак XXVIII съезди билан боғламоқдалар.

Биз кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва такомиллаштириш учун ҳар йили учрашувлар ўтказиб туриш тўғрисида келишиб олдик.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти И. КАРИМОВ.

Қозоғистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти Н. НАЗАРБОЕВ.

Қирғизистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси А. МАСАЛИЕВ.

Тожикистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси Қ. МАҲКАМОВ.

Туркманистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси С. НИЁЗОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР, ҚОЗОҒИСТОН ССР, ҚИРҒИЗИСТОН ССР, ТОЖИКИСТОН ССР ВА ТУРКМАНИСТОН ССРнинг ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР ҳукуматлари,

жумҳуриятларнинг давлат ва иқтисодий мустақиллиги принципларига амал қилиб,

анъанавий сиёсий, иқтисодий ва маънавий алоқаларга, территориал ва табиий-иқлимий шарт-шароитлар умумийлигига асосланиб,

бошқариладиган бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро фойдали муносабатларни кучайтириш мақсадларидан келиб чиқиб,

жумҳуриятларнинг иқтисодий мустақилликка ўтиши билан боғлиқ мунтазам ахборот ва тажриба айирбошлаш, кенг кўламли алоқаларга энг кўп қулайлик яратиш режимини таъминлаш, халқ хўжалиги структурасини такомиллаштириш, территорияларни экологик жиҳатдан соғломлаштириш, мамлакат давлат бошқаруви органлари, бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар, шунингдек хорижий мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий мулоқотларни ривожлантириш зарурлигини ҳисобга олиб,

иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида ушбу ҳукуматлараро битимни тузадилар.

I. ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

1. 1. Ушбу битим жумҳуриятларнинг иқтисодий мустақилликка эришиши, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиб, самарали иқтисодий стратегия ва тактикани рўёбга чиқаришга, оид ишларни мувофиқлаштириш, жумҳуриятлар кўпмиллатли аҳолисининг ижтимоий тараққиётини жадаллаштириш мақсадида тузилди.

1. 2. Ушбу битим иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Ҳамкорликнинг асосий йўналишларига оид ўзаро фаолиятнинг конкрет турлари ва шаклари битимнинг ажралмас қисми бўлган программада белгилаб берилади.

Томонлар асосий йўналишларнинг ҳар бири юзасидан ва программа тадбирларига мувофиқ, министрликлар, идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, бирлашмалар, уюшмаларнинг ваколатли қатнашчилари сифатида амалга ошириладиган тадбирларни, ишларнинг келишиб олинган ҳажмларини ойдинлаштириб олиш ва олинадиган самарани тақсимлаш йўли билан ўзаро шартномалар (протоколлар)ни ишлаб чиқадилар.

1. 3. Ҳамкорликни кенгайтириш барча қатнашчиларнинг тенглиги, баравар шериклик ва ўзаро фойда, эришилган битимни кўзлаб ҳар қандай маъмурий, ҳуқуқий ёки молиявий тусдаги чеклашларни бекор қилиш принципларида таъминланади.

Томонлар бир-бирларига зарар етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан, жумладан:

шериклларга тенг бўлмаган шартларни қўлланиш;

(Давоми учинчи бетда).

УЧРАШУВ ТУГАДИ

Марказий ва жумҳурият газеталари, журналлари, радио ва телевидение ходимлари Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг Олмаотада ниҳоясига етган учрашувига катта қизиқиш билдирдилар. 23 июнь куни, учрашувлар чоғида ишлаб чиқилган ҳужжатлар имзоланиши билан Дўстлик уйида улар билан учрашув ўтказилди.

Журналистлар ҳузурида делегацияларнинг раҳбарлари — Қозоғистон ССР Президенти, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Н. А. Назарбоев, Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Қирғизистон ССР Олий Советининг Раиси, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. М. Масалиев, Тожикистон ССР Олий Советининг Раиси, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Қ. Маҳкамов, Туркманистон ССР Олий Советининг Раиси, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. А. Ниёзов сўзга чиқдилар. Улар учрашуви якунларига юқори баҳо бердилар, оммавий ахборот воситалари вакилларининг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар.

Жумҳурият пойтахти билан танишишни давом эттирган делегация аъзолари юксак тоғликда жойлашган ноёб «Медео» спорт комплексига бордилар ва уни кўздан кечирдилар.

Шу куни Ўрта Осиё жумҳуриятларининг делегациялари Олмаотадан жўнаб кетишди. СССР, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ССР давлат байроқлари билан безатилган аэропортда меҳмонларни Н. А. Назарбоев, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг, Қозоғистон ССР Президентлик кенгашининг аъзолари, жумҳурият министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, Олмаота партия ва совет идораларининг вакиллари, жамоатчилик намояндалари кузатиб қолдилар.

(ҚозТАГ).

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган қарорлар

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қ а р о р и

«СССР ОЛИЙ СОВЕТИ 1990 ЙИЛ 10 АПРЕЛДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН «ХОТИН-ҚИЗЛАР АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОР ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССР Олий Совети 1990 йил 10 апрелда қабул қилган «Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ССР Президентининг кўп болали оналарга бериладиган нафақа миқдорини икки баравар ошириш ҳақидаги Фармони маъқуллансин.

3. Республикада халқнинг турмуш даражасини ошириш, шу жумладан ҳомиладор аёлларни, кўп болали оналарни, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни соғломлаштириш, шартнома асосларида шахсий ёрдамчи хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда банд бўлган хотин-қизларнинг меҳнатини иш стажига қўшиб ҳисоблаш бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиқлаган программа амалга оширилаётганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига бошланган ишни давом эттириш ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советига хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш юзасидан Давлат программасини тақдим этиш топширилсин, унда:

— хотин-қизларни, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини белгилашда республиканинг айрим регионларидаги реал иқтисодий ва экологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ёндошув;

— беш нафар ва ундан кўп бола туғиб, тарбиялаган аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги меҳнат стажидан қатъи назар, пенсияларини кўпайтириб, шу тариқа хотин-қизларнинг бола тарбиялаш соҳасидаги меҳнатини ижтимоий фойдали меҳнатга тенглаштириш;

— бир йўла бериладиган нафақа миқдорларини ўзгартириб, биринчи фарзанд туғилганида бериладиган нафақани кўпайтириш;

— ёш оилаларга моддий ёрдамни кўпайтириш;

— ишлаб чиқаришда ва оилада хотин-қизларнинг соғлиғини, шунингдек болаларнинг соғлиғини сақлашни иқтисодий рағбатлантириш чоралари;

— янги хўжалик муносабатлари шароитида ишга қабул қилишда ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашда 18 га тўлмаган хотин-қизларнинг манфаатларини камситишни истисно қиладиган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ана шу муносабатларнинг хотин-қизлар ва болалар соғлиғига салбий таъсирини бартараф этиш;

— аҳолининг экологик жиҳатдан тоза болалар овқатлари ва шифобахш овқатларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, болалар ва парҳез таомлар билан овқатланишни ташкил этиш бўйича ихтисослаштирилган илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тузиш;

— бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хотин-қизлар, айниқса кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий жиҳатдан тўла ҳимояланишини таъминлаш назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш юзасидан ушбу сессияда билдирилган таклифлари ҳал қилиш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советига юборилсин.

5. Ўзбекистон ССРда хотин-қизлар, болалар, оиланинг аҳволини тубдан яхшилаш мақсадида бошланғич имкониятларни бараварлаштириш ҳамда ишлаб чиқарувчи кучларнинг зарур структурасини яратиш, иқтисодиётнинг вужудга келган ихтисослашувини, табиий-иқлим хусусиятларини, ижтимоий-нуфус, миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда социал соҳа тармоқларини ҳар томонлама ривожлантириш ишида республикани умумдавлат миқёсида қўллаб-қувватлаш юзасидан зарур чоралар кўриш ҳақида СССР Олий Советига таклиф билан кирилсин.

6. 1991 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг органи бўлган, «Правда» газетаси форматининг ярмиси катталигида 8 саҳифали ҳафталик «Оила» газетасини ўзбек тилида нашр этиш ташкил қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон ССР Олий Совети Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комиссиясига юклатилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил, 19 июнь.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қ а р о р и

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИОН НАЗОРАТ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ, КОМИТЕТ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети Раисининг ўринбосари қилиб, СССР Ички ишлар министрлиги Тошкент Олий мактаби кафедрасининг мудири, юридик фанлар номзоди, доцент Рауф **Қаюмов** сайлансин.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг аъзолари қилиб қуйидаги ўртоқлар сайлансин:

Великанов Владимир Дмитриевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети давлат—ҳуқуқ бўлимининг мудири

Изимбетов Тажен — Нукус давлат университетининг кафедра мудири, фалсафа фанлари номзоди, профессор

Мирҳамидов Миршоҳид— В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети юридик факультети деканининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди

Носиров Пўлат — ЎзССР ФА Иқтисод институтининг бўлим мудири, иқтисод фанлари доктори

Сандов Акмал Холматович — ЎзССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг Раиси, юридик фанлар номзоди

Скрипников Николай Кузьмич — ЎзССР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири, юридик фанлар номзоди

Тешабоев Маматхон — Тошкент Олий партия мактаби кафедрасининг доценти вазифасини бажарувчи, юридик фанлар номзоди

Тожиев Турсун — Тошкент шаҳар Чилонзор район юридик маслаҳат идорасининг мудири, юридик фанлар номзоди

Ҳакимова Сайёра Абдуллаевна — Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил, 19 июнь.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қ а р о р и

КОНСТИТУЦИОН КОМИССИЯ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Конституцион комиссия қуйидаги таркибда тузилсин

КОМИССИЯ РАИСИ

Каримов Ислом Абдуғаниевич — Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби

КОМИССИЯ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ

Иброҳимов Мирзаолим Иброҳимович — Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ

Абдуллаев Раҳматулла Ҳамидуллаевич — Ўзбекистон ССР Олий Совети ветеранлар ва ногиронлар ишлари бўйича комитетнинг Раиси

Абдумажидов Ғафур — СССР ИИМ Тошкент Олий мактаби криминалистика кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор

Абдураҳмонов Пўлат Мажитович — Халқ депутатлари Самарқанд область Советининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Абутолипов Черниёз Абутолипович — «Ўзбекистон коммунисти»; — Коммунист Узбекистана» журналининг бош муҳаррири

Айдарқулов Абдуҳолиқ Абдураҳмонович — Ўзбекистон Компартияси Сирдарё область комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Алимова Ҳалимахон — Ўзсовпроф раиси, СССР халқ депутати

Асқаров Аҳмадали — Ўзбекистон ССР Олий Совети Маданият, фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш комитетининг Раиси, ЎзССР ФА академик-котиби

Аъзамхўжаев Алишер Анварович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Ёшлар масаласи бўйича комитет Раиси

Боқибоев Эркин Жўраевич — Ўзбекистон ССР Олий Совети План ва бюджет-молия масалалари комитетининг Раиси

Воҳидов Эркин Воҳидович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Ошкоралик масалалари комитетининг Раиси, Ўзбекистон халқ шоири

Гатаулин Шамиль Қодирович — халқ депутатлари Бухоро область Совети ижрокомининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Гричук Владимир Гаврилович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг иккинчи котиби Ўзбекистон ССР халқ депутати

Жалилов Абдулаҳат Туропович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари комитетининг Раиси, А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг ректори

Ешимбетова Турсун Аллам-бергеновна — Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Ефимов Анатолий Степанович — Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг иккинчи котиби, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Захаров Александр Имомиддинович — Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Заҳриддинов Ғулом Заҳриддинович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика комитетининг Раиси

Зиётов Парда — Жиззах область Жиззах районидаги «Москва» колхозининг бригадири, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Йўлдошев Абдуваҳоб Абдусаматович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг Раиси

Йўлдошев Абдуқаҳҳор Абдураҳмонович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Секретариати юридик бўлимининг мудири

Камолов Вячеслав Мухторович — Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри

Козлов Владимир Алексеевич — Сирдарё область «Голодностепирмон т а ж» трести 2-механизациялашган кўчма колоннаси монтажчи слесарларининг бригадири.

Кочмарик Изидор Андреевич — Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг иккинчи секретари, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Маликов Муҳаммадбобир Мажидович — Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси

Мирзиёев Шавкат Миромонович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссиясининг Раиси

Мирсаидов Шукрулло Раҳматович — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Михайлов Азарья Натеневич — Тошкент Олий партия мактаби совет давлат қурилиши ва ҳуқуқи кафедрасининг мудири

Моргасов Анатолий Сергеевич — Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси.

Муҳаммадсаид Хожи Аҳмаджон Раҳматулло ўғли — Хоразм областининг бош имом-хатиби, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Муҳамедов Рустам Муҳамедович — Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди

Муҳиддинов Нуриддин Акрамович — Ўзбекистон Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятининг раиси

Ниетуллаев Соғиндиқ Даулетёрович — Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Олимжонов Омон Ҳамидович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Секретариатининг бошлиғи, юридик фанлар номзоди

Пинхасов Борис Ильич — Суд экспертизаси институтининг (ТАШНИИСЭ) директори, юридик фанлар доктори

Раҳмонқулов Хожиакбар Раҳмонқулович — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, юридик фанлар доктори

Раҳмонов Расул Раҳмонович — «Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррири, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Режабов Тоҳиржон Бекмирзаевич — Андижон область Олтинкўл районидаги Куйбишев номли колхознинг ижарачиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Рустамова Зуҳра Каримовна — Сирдарё область судининг аъзоси, СССР халқ депутати

Сандов Акмал Холматович — Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилоти комитетининг Раиси, юридик фанлар номзоди

Салоҳиддинов Маҳмуд — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Сафаров Рубен Акопович — «Правда Востока» газетасининг муҳаррири

Тешабоева Эътибор Раҳмиддиновна — Фарғона область Қува районидаги «Ўзбекистон» колхозининг сут соғувчиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Тошкенбоев Алишер Холмуродович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Аграр масалалар ва сув хўжалиги комитетининг Раиси

Усатов Дмитрий Александрович — Ўзбекистон ССР прокурори, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Усмонова Ҳалима Меликўзиевна — Ўзбекистон ССР Олий Совети Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитетининг Раиси

Уразаев Шавкат Закариевич — Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг Раиси, юридик фанлар доктори

Фозилбеков Адҳамбек Иброҳимович — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Хачатуров Роберт Альбертович — Ўзбекистон ССР Бош Давлат ҳаками

Ҳолиқов Неъмат — Самарқанд область ижрокоми адлия бошқармасининг бошлиғи

Худойбердиева Ҳалима Умматқуловна — «Саодат» журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Шайхов Эркин Турдиевич — Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ректори, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Эшонқулов Низом — Бухоро область «СССР 60 йиллиги» совхозининг бригадири, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Юсупов Эркин Юсупович — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунунининг ректори, СССР халқ депутати

Қодиров Пиримқул Қодирович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия комитетининг Раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ҳабибуллаев Асхад Шарипович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Қурилиш, архитектура ва уй-жой-коммунал хўжалик комитетининг Раиси

Ҳабибуллаев Пўлат — Ўзбекистон ССР Олий Совети Халқаро ишлар комитетининг Раиси, ЎзССР ФА иссиқлик физикаси бўлимининг мудири

Ҳайдаров Тўйчи — Ўзбекистон ССР Олий Совети Саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитетининг Раиси

Ҳакимов Эгамберди Ҳакимович — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалфаса ва ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими, юридик фанлар доктори

Ҳалилов Эркин Ҳамдамомич — Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот комитетининг Раиси, юридик фанлар номзоди

Ҳалимов Холиқ — Самарқанд область Хатирчи районидаги Чкалов номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Ҳидиров Темир Пўлатович — халқ депутатлари Қашқадарё область Совети ижрокомининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Ҳусанов Авазберди — Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги Боймуродов номли колхоз бригадири, Ўзбекистон ССР халқ депутати

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 20 июнь,

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қ а р о р и

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ГАЗЕТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Олий Советининг нашри бўлган газета ташкил этилсин.

2. Мазкур газетанинг номи «Халқ сўзи» деб аталсин.

3. Газета 1990 йил 1 сентябрдан Тошкент шаҳрида чоп этилсин.

4. Газетани ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ва унинг Низомини тайёрлаш Олий Советнинг Ошкоралик масалалари комитетига топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил, 20 июнь.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қ а р о р и

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИ ТАЪМИНЛАШ, УНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ВА УНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Ўзбекистон ССР Конституциясида белгилаб қўйилган ваколатларини самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Президентининг қуйидаги Давлат таъминоти ва унга кўрсатиладиган хизмат белгилансин:

солиқ солинадиган ойига 1500 сўм миқдорида иш ҳақи;

Ўзбекистон ССР Президенти лавозимида турган даврида республика пойтахти Тошкент шаҳрида ва Тошкент областида боргоҳ, Тошкент шаҳрида хизмат хонадони;

махсус жиҳозланган самолёт;

махсус вазифалар учун автомобиль транспорти;

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети зиммасига юклатиладиган муҳофаза;

Ўзбекистон ССР Президентининг мамлакат ичкарисидаги ва чет давлатларга борган вақтдаги ваколатли мақсадларига қилинадиган харажатлар ҳамма қабул этган халқаро нормалар доирасида Ўзбекистон ССР Давлат бюджети томонидан қопланади.

2. Ўзбекистон ССР Президентининг рафиқаси ва оиласини муҳофаза қилиш ҳамда уларга транспорт хизматини Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети таъминлайди.

3. Ўзбекистон ССР Президентига у истеъфога чиққанидан кейин умрбод:

— ойига 1000 сўм миқдорида пенсия тайинланади;

зарур хизмат, муҳофаза, транспорт билан таъминланган давлат хонадони берилади.

4. 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Давлат бюджетида Ўзбекистон ССР Президентининг фаолиятини пул билан таъминлашга доир махсус модда кўзда тутилиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 20 июнь,

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қ а р о р и

МУДОФАА МАСАЛАЛАРИ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ СОЦИАЛ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга жуда катта аҳамият бериб ва Совет Армияси ва Ҳарбий—Денгиз Флотининг бўлажак жангчиларини тайёрлаш муаммоси, Ўзбекистон ёшларини армияга чақириш ҳамда уларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташини ташкил этишда зарур тартиб ўрнатиш, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларини социал муҳофаза қилиш муҳимлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Олий Советининг мудофаа масалалари ва ҳарбий хизматчиларни социал ҳимоя қилиш комиссияси тузилсин.

2. Комиссия таркиби Ўзбекистон ССР халқ депутатлари орасидан қуйидаги ҳайъатда тасдиқлансин:

КОМИССИЯСИ РАИСИ

Ниёзматов Вилор Раҳматуллаевич — «Советская культура» газетасининг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ

Адаманов Осмон Курт-Сеитович — Ўзсовпроф котиби

Баҳриев Карим Ҳакимович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари доимий комитетининг котиби

Белоусов Борис Николаевич — ҳарбий қисм сиёсий бўлимининг бошлиғи

Бибиков Игорь Анатольевич — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи котиби

Емельянов Андрей Борисович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика доимий комиссияси кичик комитетининг раиси

Исмоилов Насриддин Аҳадович — Қашқадарё область ижрокоми ички ишлар бошқармасининг бошлиғи

Кўчимов Абдусаид — — «Ленин учқуни» газетасининг муҳаррири

Маҳмудов Владимир Носирович — Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари

Ризаев Қулаҳмад Тошпўлатович — Тошкент шаҳар ижроия комитети Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи, ЎзССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари

Тўлаганова Тоиба Маҳкамовна — Ўзбекистон ССР Олий Совети Ошкоралик Комитетининг котиби

Холбоев Мамаюсуп Поёнович — Термиз шаҳар партия комитетининг биринчи котиби

Шоҳимардонов Жамшир— Ўзбекистон ССР ДОСААФ Марказий Комитетининг раиси

Юсупов Ибройим— Қорақалпоғистон халқ шоири

Қамбаров Камолиддин Машарипов — Наманган область «Уйчи» районидаги «Уйчи» колхоз комсомол комитетининг котиби

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 20 июнь,

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қ а р о р и

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ ҲАҚИДА

Республикада экология вазиятининг жиддий кескинлашганлигини ҳисобга олиб ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш, қонунларга, экология нормаларига ва қоидаларига риоя қилишни кучайтириш, лойиҳа ечимлари, янги техника, технология ва материаллар экология талабларига жавоб бериши нуқтаи назаридан чинакам мустақил экспертиза қилинишини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда маҳаллий Совет идоралари, илмий кучлар, меҳнат коллективлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг кучғайратларини яхшироқ уйғунлаштириш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети бевосита Ўзбекистон ССР Олий Советига бўйсундирилиб, унга табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш масалалари бўйича идоралардан устун турувчи бошқарув органи ваколатлари берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ҳар қандай бошқарув идораларидан мустақил суратда ўз вазифаларини амалга оширади ва табиатдан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиб, табиий ресурсларни такрор ҳосил қилишнинг ҳолати ва уларни муҳофаза қилиш учун ҳамда бу соҳадаги ягона илмий-техникавий сиёсат учун Ўзбекистон ССР Олий Совети олдида жавобгар бўлади.

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг Раиси Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланади, комитет раисининг ўринбосарлари ва унинг ҳайъати аъзоларининг шахсий таркиби Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети тақдимига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланади.

3. Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетига манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда қуйидагиларни амалга ошириш топширилсин:

— бир ойлик муддат ичида Комитет тўғрисидаги Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети билан келишилган ҳолда Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этиш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг 2005 йилгача мўлжалланган концепциясини ишлаб чиқиш ва кейинчалик Ўзбекистон ССР Олий Советида кўриб чиқиш учун 1990 йил IV кварталда Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш;

— икки ойлик муддат ичида у Ўзбекистон ССР Конституциясига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартишлар киритиш тўғрисида таклифлар тақдим этсин.

4. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

— Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва унга қарашли ташкилотларни транспорт, зарур ускуналар, шу жумладан лаборатория— анализ ускуналари билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин;

— Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳитнинг радиоактив заҳарланиши, табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти, экологик экспертиза билан шуғулланувчи бўлимлари учун ажратиладиган пул маблағларини кўпайтириш масаласини кўриб чиқсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 20 июнь,

ЎЗБЕКИСТОН ССР, ҚОЗОҒИСТОН ССР, ҚИРҒИЗИСТОН ССР, ТОЖИКИСТОН ССР ВА ТУРКМАНИСТОН ССРнинг ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

— техникавий тараққиётни, ишлаб чиқариш шароитларини, томонлардан исталганининг манфаатларига зарар етказиб маҳсулот сотишни чеклаш;

— шерикларга ишларни биргаликда амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ёки камситувчи тусдаги қўшимча шартларни қабул қилишга мажбур этишдан ўзларини тиядилар.

I. 4 Томонлар бир қанча жумҳуриятларда амал қилаётган халқ истеъмоли молларини олиб чиқиб кетишни чеклашни 1991 йилнинг 1 январидан бекор қилиш, шу мақсадда минтақа манфаатларини ҳимоя қилишнинг иқтисодий омилини ишлаб чиқиш тўғрисида келишиб олдилар.

I. 5. Томонлар энг аввало, ҳукуматлараро битимлар бажарилишига зарар етказмай, юридик шахслар бўлган корхоналар, ташкилотлар, уюшмалар ва уларнинг бошқа бирлашмалари ўртасидаги бевосита алоқалар доирасида чинакам бозор муносабатларини вужудга келтириш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бозор муносабатларини қарор топтиришнинг ана шу босқичида жумҳуриятларнинг самарали халқ хўжалик алоқаларини йўлга қўйишга имкон берадиган воситачи таъминот-маҳсулот сотиш ташкилотлари ишини фаоллаштириш зарур.

I. 6. Ҳамкорликни амалга оширишда мулк шакли ва қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, жумҳуриятларнинг ҳудудларида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар қатнашишлари мумкин. Ҳамкорликда томонларнинг розилиги билан жумҳуриятларнинг ҳудудидан ташқарида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек хорижий шериклар иштирок этиши мумкин.

I. 7. 1991 йилда 1990 йилги даражадан паст бўлмаган даражада хом ашё, маҳсулот ва моллар етказиб бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

II. ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2. 1. Томонлар қуйидаги устун йўналишлар куч-ғайратларни бирлаштириш ва ўзаро интеграция воситаси деб ҳисоблайдилар:

— умумиқтисодий муаммолар ва молиявий-кредит сиёсати;
— соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданият;
— истеъмол бозорини ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
— илмий-техникавий ҳамкорлик;
— информатика ва ахборот таъминоти;
— оқилона меҳнат тақсимоти;
— экология ва сейсмология;
— саноат ишлаб чиқариши структураларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш;
— инвестиция сиёсати, қурилиш базасини ривожлантириш;
— ёқилғи-энергетика комплекси, транспорт ва алоқа;
— моддий-техника таъминоти;
— қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат;
— ташқи алоқалар;
— ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш.

2. 2. Томонлар ана шу йўналишларнинг ҳар бири юзасидан битим амал қиладиган даврга қўшма ёки ўзаро шартномалар (протоколлар) ишлаб чиқадилар. Ана шу шартномалар (протоколлар)га келгусида ўзаро розилик асосида аниқлик киритилиши ва улар конкретлаштирилиши мумкин.

III. ҲАМКОРЛИК ОМИЛЛАРИ

3. 1.Томонлар жумҳуриятларнинг алоқаларини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳаракатларини таъминлаш мақсадида ишчи группаси Олмаота шаҳрида бўладиган ва доимий ишлаб турадиган амалий ҳамкорлик мувофиқлаштирувчи кенгашини тузиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

3. 2. Мувофиқлаштирувчи кенгаш жумҳуриятлар Давлат план комитетларининг раисларидан ташкил топади, унинг мажлисларини зарур бўлганида, лекин йилига камида иккі марта жумҳуриятларнинг пойтахтларида навбатма-навбат ўтказилади. Мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги Низом жумҳуриятлар ҳукуматлари томонидан тасдиқланади.

3. 3. Кенгаш томонларнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий сиёсатининг умумий кўрсатмалари ҳамда мазкур битим шартлари бажарилишини мувофиқлаштириб туради. Кенгаш томонлар якдил овоз берганида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

3. 4. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг фаолият доирасига биттадан ортиқ жумҳуриятнинг манфаатларига тааллуқли масалалар, аввал қабул қилинган ҳужжатлар юзасидан қарорлар қабул этиш масалалари киради. Кенгаш ишлаб чиққан қарорлар тавсия руҳида бўлиб, жумҳуриятларнинг иқтисодий, фармойиш берувчи ва қонун чиқарувчи идораларида синовдан ўтади, улар ижроия органларнинг биргаликдаги қарорлари билан расмийлаштирилади.

3. 5. Мазкур битим юзасидан томонларнинг жавобгарлиги ушбу битим асосида томонлар ўртасида тузилган шартномалар ва хусусий битимлар билан тартибга солиб турилади.

3. 6. Ушбу шартномалар (протоколлар) жумҳуриятларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш давлат планларига уларнинг тадбирларини устун даражада киритиш орқали амалга оширилади.

Шу мақсадда Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон иқтисодий органлари иқтисодиётнинг ҳозирги бошланғич аҳволини ва минтақа аҳолисининг ижтимоий аҳволини чуқур таҳлил қилсинлар, умумиттифоқ жамғармаларини жалб этиб ва минтақалар жамғармаларини тузиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишни тенглаштиришга доир омилларни ишлаб чиқсинлар.

3. 7. Томонлар зарур бўлган тақдирда қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш ва норматив ҳужжатлар қабул қилишдаги ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, ушбу битимни ва ҳамкорлик программасини бажаришга қаратилган ўзларининг биргаликдаги фаолиятларини бошқариб турадиган зарур қарорлар қабул қиладилар.

3. 8. Кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва такомиллаштириш учун ҳар йили жумҳуриятлар ҳукуматлари бошлиқларининг учрашувларини ўтказиб туриш тўғрисида аҳдлашувга эришилди.

IV. БИТИМНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

4. 1. Ушбу битим 1990 йилнинг 1 июлидан кучга киради ва у жумҳуриятлар Олий Советларида қонуний расмийлаштирилиши керак.

4. 2. Битим 1996 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга тузилади.

4. 3. Томонларнинг бирида битимнинг амал қилишини тўхтатиш ҳоҳиши пайдо бўлганида, мазкур жумҳурият ҳукумати бошқа томонларга бу ҳақда олдиндан, битимдан чиқишдан уч ой илгари хабар бериши керак.

4. 4. Битим амал қилишни тўхтатиш ёки унинг шартларини ўзгартириш томонлар ҳукуматларининг биргаликдаги қарори асосида амалга оширилади.

4. 5. Битимнинг амал қилиш муддатини узайтиришни унинг амал қилиш муддатидан камида ярим йил олдин томонлар ҳукуматлари белгилайдилар.

Ушбу битим ҳар қандай иттифоқдош ва мухтор жумҳурият унга қўшилиш учун очиқдир.

Битим СССР қонунларига ва унинг халқаро мажбуриятларига, битим қатнашчиларининг манфаатларига, қонунларга, илгари тузилган битимлар ва шартномаларга, шунингдек ҳар бир томоннинг халқаро мажбуриятларига зид эмас.

Ўзбекистон ССР	Қозоғистон ССР	Қирғизистон ССР	Тожикистон ССР	Туркманистон ССР
Министрлар Кенгашининг Раиси	Министрлар Кенгашининг Раиси	Министрлар Кенгашининг Раиси	Министрлар Кенгашининг Раиси	Министрлар Кенгашининг Раиси
Ш. МИРСАИДОВ.	У. КАРАМАНОВ.	А. ЖУМАҒУЛОВ.	И. ҲАЁЕВ.	Ҳ. АҲМЕДОВ.

Олмаота шаҳри. 1990 йил 23 июнь.

КПСС XXVIII съезди делегати

ЕРНИ АРДОҚЛАБ

Раҳбар эл дардига қулоқ тутса, уни англаб етса, муш-кулини осон этса, у албатта ҳурмат қозонади, обрў орттиради. Ўз вазифасини виждонан бажарса, халқ унга эргашади, сўзларига инонади. Айни вақтда унга ёрдам беришга интилади.

Муҳаббат Раҳмонова мамлакатимиз коммунистларининг олий анжумани делегати. У съезд арафасида юқоридаги фикр нақадар ҳаққонийлигига ишонди.

У ёшлигиданоқ ерга меҳр қўйди. Ерни қадрловчи, у билан тиллашиб ҳосил олувчи, эл-юртнинг турмушини яхшилаш йўлида тинмай тер тўкувчи деҳқонга мададкор бўлишга интилди. Наманган педагогика институтини тугатди. Комсомол ва партия ишларида меҳнат қилди. Олий партия мактабини битиргач, туғилиб ўсган қишлоғига қайтиб келди. Район партия ва ижроия комитетида ишлади. Сўнгра область ижроия комитети аппаратига ишга ўтди. Турли йиғилишларга тайёргарлик кўриш, ҳисоботлар ёзиш, мажлисларда қатнашиш... Аёл боши билан буларга жуда кўп вақт сарфлашга тўғри келарди. Баракали меҳнатдан сўнг ҳамқишлоқлари ҳузурига ошиқарди. Айниқса, эрта тонгда қадрдон далаларни айланишни ёқтирарди.

...Муҳаббат жамоа хўжалигига ишга ўтишни сўради. Ишчан ходимни бошқа ишга ўтказиш осонликча кечмади. У эса ўз сўзида қатъий туриб олди.

У ҳозир Поп районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги правлениесининг раиси. Хўжалик янги раис билан янгича қадамлар қўя бошлади. Иш билан сўз бирлигига эришилди. Аниқ далиллар: эркатойлар учун иккита болалар боғчаси, янги мактаб қурилди. 150 гектар майдон турар-жой қурилиши учун ажратилди. Икки қишлоқ йўллари асфальтланди. Деҳқончиликдаги натижалар ҳам чакки эмас. Мўлжалдаги 36 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 39—40 центнердан етказиб ҳосил олинаётир. Дала аҳли турмуш фаровонлигини ошириш масаласи диққат-эътиборда. Айниқса, меҳнат ветеранларига эътибор кучайтирилди. Райондаги инвалидлар уйига ёрдам кўрсатиш учун хўжалик аъзолари 3 минг сўм пул ўтказишди.

Хўжалик аъзолари ўн иккинчи беш йилликнинг якунловчи йилини ҳам яхши кўрсаткичлар билан тугатишмоқчи. Пахта далаларида ҳосил учун кураш авжида. Ғўза парвариши қизғин олиб бориляпти.

Делегатнинг қалб сўзига қараганда, олий анжуман барчани тўлқинлантирувчи қатор саволларга жавоб беради. Раис съезддан сўнг хўжалик аъзолари билан маслаҳат йиғилишига тўпланишга аҳд қилган. Чунки, халқимиз «маслаҳатли тўй тарқамас», дейди.

С. ИБРОҲИМОВ.

Суратда: партия XXVIII съезди делегати М. Раҳмонова.

Суратни А. КОВТУН олган.

(ЎзТАГ).

ВИЛОЯТ СОВЕТЛАРИ СЕССИЯЛАРИ

НАМАНГАН, 23 июнь (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Наманган вилоят Советининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессияда ташкилий масалалар кўрилди.

Сессия Р. Р. Сиддиқовни халқ депутатлари вилоят Совети раисининг ўринбосари қилиб сайлади.

Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Б. Ж. Ҳакимов Наманган вилоят ижроия комитетининг раиси вазифасидан озод қилинди. Илгари вилоят ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, вилоят деҳқончилик-саноат кооператив уюшмасининг раиси бўлиб ишлаган С. Т. Тошпўлатов вилоят ижроия комитети раиси этиб тасдиқланди.

Сессияда халқ депутатлари Наманган вилоят Советининг раиси, Наманган вилоят партия комитетининг биринчи котиби Б. А. Алламу-родов нутқ сўзлади.

ФАРҒОНА, 23 июнь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Фарғона вилоят Советининг сессиясида ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Ш. М. Йўлдошев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан халқ депутатлари Фарғона вилоят Совети раиси лавозимидан озод қилинди. Фарғона вилоят партия комитетининг биринчи котиби Г. Фозилов яширин овоз бериш йўли билан халқ депутатлари Фарғона вилоят Совети раиси этиб сайланди.

Сессия илгари Киров район партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Н. Ҳ. Раҳимовни Фарғона вилоят ижроия комитети раиси этиб тасдиқлади.

Сессия қатнашчилари вилоят маҳаллий совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, жамоатчилик тузилмалари ва меҳнат жамоаларининг жиноятчиликка ҳамда давлат ва меҳнат интизоми бузилишига қарши курашдаги вазифаларини муҳокама қилдилар.

Депутатлар сайловчиларнинг вилоят Совети депутатларига берган талаб ва истакларини бажариш борасидаги тадбирлар режасини муҳокама қилдилар, шунингдек халқ депутатлари вилоят Советининг 1990 йил иккинчи ярмидаги иш режаларини тасдиқладилар.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Т. Я. Шарипов қатнашди.

ГУЛИСТОН, 23 июнь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Советининг сессияси бўлди. Мирзачўл деҳқончилик шўъбасида ижара муносабатлари қандай жорий этилганлиги ва уларни янада ривожлантириш борасида маҳаллий Советлар ҳамда хўжалик ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди. Вилоят ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, вилоят деҳқончилик-саноат кооператив уюшмасининг раиси Х. Исканов маъруза қилди. Вилоят Совети доимий комиссиясининг деҳқончилик-саноат мажмуига ҳамда табиий ресурслардан фойдаланишга оид қўшимча маърузаси ҳам тингланди.

Сессияда вилоят Совети депутатларига сайловчилар билдирган талаб ва истакларни бажаришга доир тадбирлар тасдиқланди.

СССР Министрлар Советида

СССР ҳукумати акционерлик жамиятлари тўғрисидаги ва қимматли қоғозлар ҳақидаги низомларни тасдиқлади.

Шу ҳужжатларда акционерлик жамиятларини тузиш тартиби кўзда тутилади. Шунга мувофиқ, башарти акционерлар биргаликда хўжалик юритишни мақсадга мувофиқ деб топсалар, акционерлик жамиятларини рўйхатдан ўтказишдан ҳеч ким бош тортишга ҳақли эмас. Совет ҳуқуқий шахслари ва фуқароларигина эмас, ажнабийлар ҳам бундай жамиятларда қатнашишлари мумкин. Жамиятлар қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидирлар. Акционерлик жамиятларини тузишдан меҳнат жамоаларининг манфаатдорлигини ошириш учун ҳатто давлатга тегишли акциялар юзасидан ҳам тўловлар муайян муддатда таъсисчилар тасарруфида қолдирилади ва уларнинг молмулкини жамғаришга ишлатилади.

Ҳар хил турдаги акцияларни, шу жумладан жамиятлар томонидан очиқ обуна бўйича тарқатиладиган акцияларни ҳам чиқаришга рухсат берилди. Жамиятларнинг низомларида даромадлар олишга устун ҳуқуқ берадиган имтиёзли акциялар кўзда тутилиши мумкин. Бироқ бундай акцияларнинг ҳажми жамият низоми фондидаги маблағларнинг ўн фоизи билан чекланади. Фуқаролар фақат номлари ёзилган акцияларга эга бўлишлари мумкин, ҳар бир харидордаги бундай акцияларнинг миқдори акционерлик жамияти томонидан қайд этилади.

Ички давлат ва маҳаллий заёмлари облигацияларини, корхоналарнинг облигацияларини чиқариш ҳам кўзда тутилган. Улар номлари ёзилган ёки тақдим этган одамга бериладиган бўлиши, фоизли ёки фоизсиз (йўналишли), эркин муомалали ва чекланган бўлиши мумкин. Қимматли қоғозлар бозорида давлатнинг хазина мажбуриятлари, жамғарма сертификатлари, қарз тилхатлари муомалада бўлади. Хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган зарарни қоплаш учун қимматли қоғозлар чиқариш тақиқланади.

Омилкорлик фаолиятини ривожлантириш учун янги имкониятлар очадиган мувақкат низомлар СССР Олий Советининг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур шарт-шароитларни зудлик билан вужудга келтириш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ қабул этилди. Бу низомлар мамлакат парламенти кўриб чиқадиган тегишли Қонун ҳужжатларига асос бўлади.

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

Шу йилнинг 12 сентябридан 22 октябригача Тошкент шаҳрида истироҳат боғлари ва ҳиёбонларни безаш мавзусига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтади. Учрашувга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот комитети тузилди. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан жумҳуриятимизга рассомлар ва ҳайкалтарошлар келишади, улар бевосита шу ернинг ўзида ўз асарларини яратадилар. Усталар асосан Тошкентдаги амалий санъат тажриба-ижодий комбинатида ишлайдилар.

Ташкилот комитетининг 22 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлган мажлисида анжуманга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида гап борди. Мажлисни жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳамидов олиб борди.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ—СУРИЯ ДЎСТЛИГИ КУНЛАРИ

Ўзбекистон пойтахтида Совет-Сурия дўстлиги кунлари бошланди. Тошкентликлар «Сурия — СССР» жамиятининг вице-президенти, Сурия Араб Жумҳурияти парламентининг депутати, Сурия Араб Жумҳурияти талабалари миллий уюшмасининг раиси Хайсам Дуэйхий бошчилигидаги делегацияни хушнудлик билан кутиб олдилар.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, шаҳардаги бир қанча музейларда, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлдилар.

22 июнь куни делегацияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳамидов қабул қилди.

Ўзбекистон Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамиятида учрашув бўлиб ўтди. Бу ерга Сурияда ишлаган фан ва маданият арбоблари, халқ хўжалиги тармоқларининг мутахассислари, шунингдек Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган суриялик талабалар таклиф қилинди.

Совет — Сурия дўстлиги куларининг расмий очилиш маросими «Зенит» заводининг клубида бўлиб ўтди. Дамашқдан келган «Умайя» фольклор ансамблининг томошалари бадиий программанинг безаги бўлди. Бадиий қисмда «Баҳор» ансамбли ҳам қатнашди.

Совет—Сурия дўстлиги кунлари программасида шарқшунослик институтига бориш, арабшунос олимлар билан учрашувлар ўтказиш, Шарқ қўлёзмалари фондини кўздан кечириш, Ўзбекистон ССР Тарихий нодир буюмлари ва заргарлик санъати музейи экспонатлари билан танишиш кўзда тутилган. Меҳмонлар Наманган ва Самарқанд шаҳарларига ҳам борадилар.

(ЎзТАГ).

• Тил ҳақидаги Қонун—амалда

ЭЛ БОЙЛИГИ

Тилнинг ривожланиши жамиятнинг тараққиёти билан узвий боғлиқ. Ўзбек тили Юсуф Хос Ҳожибнинг (XI аср) «Қутадғу билик» асарида, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотут турк»ида (1068 й.) мисол учун келтирилган оғзаки ва ёзма бадиий парчаларнинг тили — эски туркий тил асосида шакилланган.

Ўзбек тили ўз тарихида туркий тил, чиғатой тили, сарт тили каби номлар билан юритилган: ўзбек миллий тили атамасини эса асосан Улуғ Октябрь социалистик инқилобидан кейин олди ва жумҳурият давлат тили даражасига кўтарилди.

Жумҳуриятимизда ўзбекча ўқиш атамасини биринчи марта шоир — педагог Машриқ Юнусов—Элбек ишлатган. Унинг 1918 йилда Тошкентда «Ўзбекча ўқиш» китоблари нашр қилина бошлаган.

Тил миллатнинг муҳим белгисидир. Тилнинг бойлиги шу миллатнинг тараққиёт даражасини кўрсатади.

Тилни халқ яратади, олимлар эса ўрганиб, меъёрлаштирадилар, қоидалаштирадилар, чунончи, ҳозирги замон давом феъли ўзбек халқи тилида вот (Тошкент), яп (Фарғона), ут (Наманган), оп (Самарқанд, Бухоро) — моқда, ётир (Хоразм) ва бошқа қўшимчалар билан ҳосил қилинади. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги олиб бор, олиб кел сўзлари халқ тилида обор, опке тарзида, Саволингиз борми? Келдингизми? гаплари Саволиз борми? Келдизми? тарзида айтилади ва ҳоказо.

Адабий тил оғзаки ва ёзма шаклларда бўлади. Буларнинг бир-биридан фарқли ўринлари ҳам мавжуд.

Ўзбек адабий тилининг ёзма шакли Октябрь инқилобидан сўнг мураккаб йўлни босиб ўтди. Бу бир томондан ўзбек алифбоси ва имло қоидаларининг бир неча бор ислоҳ қилинганлиги билан боғлиқдир.

Араб алифбосидаги эски ўзбек ёзуви 1905—1907 йиллар инқилобига қадар ҳеч қандай ўзгаришсиз қўлланилган. Биринчи рус инқилобидан кейин алифбони ва имло қоидаларини норасмий равишда ислоҳ қилиш ҳаракати бошланган. Бу иш Октябрь инқилобидан сўнг 1919—1926 йилларда расмий тус олган: алифбо ва имлога расмий равишда бирмунча ўзгаришлар киритилган. 1928—1940 йилларда лотин алифбоси қўлланилган. 1940 йилнинг май ойидан рус графикаси асосида ўзбек алифбосига ўтилди.

Тил ҳамиша ривожланиб, силлиқлашиб боради. «Маданият тарихи бизга шуни ўргатадики, — деб ёзган эди М. Горький. — кишиларнинг ижтимоий фаолияти қизғин бўлган даврда айниқса тезроқ бойийди».

Улуғ Октябрь инқилобидан кейинги биринчи ўн йилликда ўзбек тилида ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, унинг луғати тез суръатлар билан бойиди. Аммо шу даврда ҳам ўзбек тилида рўй берган ўзгаришларга тилшуносларнинг муносабати ҳар хил бўлган, чунончи, ҳозирги ибора билан ифодалаганимизда «тилшунослар семинари» сифатида иш олиб борган «Чиғатой гурунги» (раҳбарлари: Абдурауф Абдураҳимов — Фитрат, Қаюм Рамазонов) иштирокчилари алифбо, имло, тил ва адабиёт масалалари юзасидан иш олиб борган ва бу соҳада бир қатор ижобий ишларни ўз даврида амалга оширган эдилар. Аммо маданият, тил масалаларига оид марксистик назариядан етарли хабардор бўлмаганликлари учун «Ўзимиз озод бўлдик, тилимиз ҳам озод бўлсин» тарзида иш юритиб, ҳаммадан аввал ўзбек тилидаги арабча ва форсча сўзларни умумистеъмолдан чиқаришга урининг кўрдилар, чунонки, мактаб сўзини — ёзоқ, китоб нини битик, дарсни сабоқ каби ўзлари ясаган ёки эски туркий тилида қўлланилган сўзлар билан алмаштирмоқчи бўлдилар. «Чиғатой гурунги» фаолларидан бири томонидан ёзилган ва 1920 йилда Тошкентда нашр қилинган халқ маорифига оид бир китобга «Бошлангич эл ёзоқларининг сабоқ тузуки» деб ном қўйилган эди. Ваҳолонки, ўзбеклар ўртасида мактаб, дарс, дарсхона, китоб каби сўзлар неча юз йиллардан бери ишлатиб келинган, умумхалқ мулкига айланган сўзлар эди.

«Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида» Қонун қабул қилингандан кейин (1989 йил 21 октябрь) ўзбек адабий тили тараққиётида янги босқич бошланди, унинг ҳар томонлама ривожланишига йўл очилди. Бу ҳаммадан аввал ўзбек тили луғатининг ривожланишида сезила бошлади. Қатор янги сўзлар, иборалар пайдо бўлди, чунончи (ташмачи, ташимачи), ҳафтаномма, ҳаракатнома, телехафия, телеўқувчи, қодирийхонлик, сталинчилик, шахсларастлик, сталинизм қурбонлари, митингбозлик, дала-ҳовли, уй-боғча, гуманитарлаштириш, компьютерлаштириш, хизматдош, Президент, СССР Президенти Кенгаши, нурчилар шаҳри, парламент мухбири, Ўзбекистон Президенти, оқ доғлар, қайта қуриш чорраҳалари, жумҳурият раҳбарияти ва ҳоказо.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, тилларда умуман янги кашф этилган сўзлар тез-тез учрамайди.

Ўзбек тили ҳақидаги Қонун эълон қилингандан кейин бир қатор атамаларни ёнма-ён, параллел қўллашга интилиш кучая бошлади. Бу ҳол матбуот, радио ва телевидениеда аниқ сезилиб турибди, чунончи, область—вилоят, музофот, республика — жумҳурият, стилистика—услубият, каникул—таътил, география —жуғрофия, газета —рўзнома, хабарнома—воқеанома, массив—даҳа тема —мавзу, доклад —маъруза кабилардир.

Ўзбек тилида газета сўзи 120 йилдан бери, яъни «Туркистон вилояти газета»си чиқа бошлагандан бери (1870 й.) қўлланади. Бу сўз Фурқат асарларида ҳам қўлланилган, газета сўзини рўзнома, воқеанома ёки ахборотнома билан алмаштирсак, газетхон, газетчилик, бегазит, газетсиз, газета-журнал тушунчаларини ифодалайдиган сўзлар ҳам ясаш керак. Уларни ясаймизми, рўзномахон, ахборотхон, воқеаномахон, рўзномачи, рўзномачилик... Бу сўз билан тонгги рўзнома, кечки рўзнома, ҳафталик рўзнома, кундалик рўзнома, деворий рўзнома, оғзаки рўзнома, рўзнома-журнал олиш каби сўз бирикмалари ҳосил қилинадими?!

Шунингдек, Марказий Комитет, ижроия комитет бирикмаларидан қисқартма сўз ясашда Марказком, Марказқўм, ижроком, ижроқўм тарзида ишлатилмаяпти, ўқувчилар комитети — ўқувчилар қўмитаси, элатком — элатқўм бўладими?! 20-йилларда ҳозирги Кавказ, Америка, курс, Корея, карол, клуб комитет, канал каби атамалар Қавқаз, Америқа, қурс, қурия, қирол, қанал, қўмита клуб каби сўзлар «қ» ҳарфи билан ёзилар ва кўпинча ёзилгандек талаффуз қилиш талаб қилинар эди.

Мазкур сўзларнинг биринчи бўғинидаги к товушини қ товушига алмаштириш учун ўзбек адабий тили ички қонуниятларида ҳеч қандай асос йўқ. Шундай бўлгач, Марказқўм, ижроқўм шаклида эмас, Марказком, ижроком тарзида ишлатилиши тўғри бўларди.

Хуллас, қатор атамаларни бир хилда қўлланишдан ҳар хилликка ўтилади, бу эса шу атама орқали ифодаланган тушунчани англашни қийинлаштиради. Бунга чек қўйиш зарур. Атама экан, ҳамма вақт фақат ягона ифода билан юритилиши зарур.

Тил ҳақидаги Қонун ижодкор зиёлилар олдига янги вазифалар қўйди. Ҳаммадан аввал ўзимиз ўзбек адабий тили меъёрларини ўрганишни давом эттириб, нутқимизга алоҳида эътибор беришимиз зарур. Халқ нутқимиздан, андоза олсин. Қолаверса, Қонуннинг 19-моддасида «Ўзбекистон ССРда ўзбек халқининг илм-фан тилини такомиллаштириш учун ўзбек тилида илмий-техник ҳамда ижтимоий-сиёсий атамаларни яратиш ва ривожлантириш таъминланди», — деб кўрсатилган. Бунда илмий таҳлил зарур: бир ўртоқ агроном атамасини (билимдон деҳқон), 20-йилларда агрономни ер билгич деб ёзганлар ҳам бўлган эди, бошқа бири терминни ибора, бир мутахассис, морфологияни сўз илми, фонетикани товуш илми деб берди. Бундай шошма-шошарлик қилиш керак эмас.

Тил ҳақидаги Қонуннинг 29-моддасида бундай ёзилган: «Давлат тили расмий амал қиладиган соҳаларда ўзбек адабий тилининг мавжуд илмий қонун-қоидаларига тўла риоя этилади».

Шундай бўлишига қарамай, жумҳуриятимиздаги баъзи журналларда, чунончи «Гулистон», «Ёш куч»да 1956 йилда қабул қилинган имло қоидаларига риоя қилмаслик, масалан, январь, февраль каби сўзларда юмшатиш белгисини ёзмасликни ўзларига қоида қилиб олдилар. Бундай қилиниши имлода ҳар хилликнинг яна ҳам кўпайишига, таълим-тарбия ишларида қўшимча қийинчиликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

И. АБДУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

АХБОРОТ

Кўргазмада Навоий сиймоси

◆ Рассом Темур Саъдуллаевнинг ижодига бағишланган кўргазма Алишер Навоий номли давлат адабиёт музейи ташаббуси билан ташкил этилди.

Кўргазма Ўзбекистон ССР Фанлар академияси М. Т. Урозбоев номидаги механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтида очилди. Маълумки, мўйқалам устасининг ижоди Алишер Навоий асарларининг қаҳрамонларини мавзуга олишдан иборат. Унинг «Хамса» асарига бағишланган тасвирий лавҳалари томошабинларга маъқул бўлмоқда. Айни пайтда «Оналик», «Ҳаёт фалсафаси», «Индира Ганди», «Икки дўст» каби мойбўёқда ишланган асарлари замондошимиз ички дунёсини намоён этишга бағишланган. Шунингдек, рассомнинг «Алпомиш ва Барчиной» ва «Гўрўғли» каби асарлари ҳам диққатга сазовор. Мусаввирнинг кўлгина бадиий асарлар руҳига мос расмлари ҳам эътиборга лойиқ бўлиб турибди.

Ф. ИСАЕВ.

Хизматга шайлаш масканида

◆ Уйчи районида ёшларнинг ҳарбий хизматга тайёргарлигини тобига етказиш борасида хайрли ишлар қилинмоқда

Йигитларни Ватан олдидаги бурчларини муваффақиятли ўташларига шайлашда мудофаа-спорт соғломлаштириш лагерида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Бу ерда ёшларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш билан бирга уларнинг дунёқарашини шакллантиришга ҳам аҳамият берилади. Чунончи, меҳмон бўлиб келадиган аскар ва офицерлар билан учрашувлар, ҳарбий бошлиқларнинг суҳбатлари мароқли ўтади. Мудофаа-спорт соғломлаштириш лагерида йилига кўплаб йигитлар ҳарбий хизматга шайланмоқдалар. Бу борада мураббийлардан Юсуфжон Усмонов, Алишер Мамакаев, Ёдгор Тўрабоев, Ҳамиджон Нишонов, Ҳабибулла Зиётовлар жонбозлик кўрсатишмоқда. Машғулотлар юқори синф ўқувчилари учун 5 кун, битирувчилар учун 14 кун давом этади. Ўзбекистон ССР халқ депутати, «Уйчи» колхози комсомол комитетининг секретари Камолиддин Қамбаров ҳамда район партия комитетининг секретари Тоҳиржон Муродов билан учрашувлар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

М. ҚОДИРОВ.

Қобилият сири

◆ Янгибозорлик Мурод Раҳимовнинг болаликдаги ғайритабиий қобилияти армия хизматидан кейин яна шаклланиб одамларни даволашда қўл келмоқда.

Бу йигит ўзида ғайритабиий куч борлигини ва у ўзига тинчлик бермаётганлигини сезди. У Тошкентдаги экстрасенслар уюшмасига мурожаат қилди. Мутахассислар Муродда кучли биоток борлигини аниқлашди. Шундай қилиб, Мурод Раҳимов «Узбекистон» колхози ва қўшни қишлоқлар, қолаверса, жумҳуриятимиз бошқа шаҳарларидан ташриф буюраётган кишиларни даволамоқда. У қон босими, ҳомиладорлик ва томоқ оғриғидан бошқа касалликларни даволайди.

Ш. ЭШЧОНОВА.

◆ Шунингдек, редакциямизга мактуб йўллаётган муштарийлар ўзлари яшаб турган жойлардаги диққатга сазовор ва қизиқарли хушхабарларни ёзишган. Чунончи, жарқўрғонлик М. Раҳмонов, тўрткўллик А. Бекжонов, тошкентлик А. Толипов самарқандлик Т. Юнусзода, бухоролик Ш. Тошева билан Т. Мақсудов, бахмаллик С. Аҳмедов, фарғоналик Х. Ориповв, чимкентлик Н. Садонова, андижонлик Д. Раҳматов ва бошқалар ҳам қизиқарли хат-хабарлар йўллашган.

«Фотоконкурс-90»



● Қўзичоқлар. Суратқаш Р. НУРИНБОЕВ.

МУБОРАК САФАР

МУСУЛМОНЛАРНИНГ САУДИЯ АРАБИСТОНИГА ҲАЖ ҚИЛИШИ БОШЛАНДИ

КЕЧА маҳаллий вақт билан соат 11 да ва 16 да мусулмонлар тушган самолётлар Саудия Арабистонига парвоз қилди. Бу билан Ўрта Осиё мусулмонларининг Маккага ҳаж қилиши бошланди. «Совет Ўзбекистони» мухбири парвоз олдидан сафар қатнашчилари билан суҳбатлашди.

Зониржон ИСМОИЛОВ, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари динин бошқармаси раисининг нойби, делегация бошлиғининг ўринбосари:

— Мусулмонлар кўп йилларидан буён ана шу муборак сафарни орзу қилар эдилар. Ўзбекистон ССР Президентининг бу ҳақдаги махсус Фармони барча мусулмонларнинг кўнгилларини шод этди. Бу қайта қуриш ва ошкоралик меваси-дир. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон вакилларидан 500 киши муборак сафарга отланишди.

Ўзбекистон ҳукумати сафарнинг муваффақиятли ўтиши учун ҳамма шароитни яратиб берди. Шифокорлар, пазандалар бизнинг хизматимизда. Сафар чоғида хайр-эҳсон этиладиган совға буюмларини етарлича олганмиз.

Бу ташрифнинг келгусидаги аҳамияти бениҳоя катта. У ердан қайтгач, миллатлараро биродарлик алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш ниятида унинг хотираларидан фойдаланамиз. Тинчлик, биродарлик, аҳиллик, ҳалоллик, меҳр-оқибатлилик каби фазилатларни одамларимизнинг тафаккурига сингдиришга ҳаракат қиламиз.

Абдурауф ҒАФУРОВ, Наманган вилоятидаги «1-Агропромстрой» трести қурувчиси:

— Наманган вилоятидан 98 кишимиз. Улар орасида икки аёл киши ҳам бор. Бу табаррук сафар Умар Бузрукхонов, Ҳаким Юсупов, Асқар Хайдаров, Олим Мусабоев, Сирож Мукаррамов ва бошқа нуроний кишиларимизга ҳам насиб этмоқда. Биз мусулмонларга буюрилган фарзлардан адо этиш билан, бу диёрнинг тарихий обидаларини зиёрат қиламиз, яхши ниятли кишилар билан танишиб, дўстлик алоқаларини ўрнатамиз.

Ҳаким ТУРОБОВ, «ИЛ-86» самолётининг кема командири, биринчи класс учувчиси:

— Бизнинг экипажимиз биринчи марта амалга оширилаётган бу олис ва масъулиятли сафарга техник жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрди. Аэробусимизга 350 киши жойлашган. Коллективга СССРда хизмат кўрсатган учувчи F. Саримсоқов умумий раҳбар. Иккинчи «ИЛ-62» самолётини эса А. Рўзметов бошқаради. Биз Минеральные Води шаҳрида ёқилғи олиш учун қўниб ўтамиз. Шундан кейин Туркия, Сурия, Иордания осмони узра парвозни давом эттириб, Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрига бориб қўнамиз. Умумий масофа 5,5 минг километр бўлиб, у 6 соат-у 40 минутда босиб ўтилади.

Биз, Ўзбекистон учувчилари республикамиз ҳукумати амалга ошираётган бу хайрли тадбирга катта масъулият ва пухта тайёргарлик билан киришганмиз. Ишончим комилки, сафаримиз муваффақиятли ўтади.

А. ПУЛАТОВ.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

• Реклама ва эълонлар •

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ОЛИЙ ПАРТИЯ МАКТАБИ

янги ташкил этилаётган кафедраларнинг бўш лавозимларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Политология кафедрасига

кафедра раҳбари — КПСС аъзоси, профессор, фан доктори ёки доценти, олий ўқув юртида ишлаган ҳамда партия ва совет ишлари бўйича тажрибага эга бўлган ёки шу соҳада катта тажриба тўплаган мутахассис;

доцент ёки катта ўқитувчилар: (фан номзоди): сиёсий иш методикаси ва назарияси, КПСС аъзоси, ўқув юртида шу соҳа бўйича ишлаган ва амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар;

Социология, ижтимоий психология ва педагогика кафедрасига

кафедра раҳбари — КПСС аъзоси, профессор, фан доктори, ёки шу соҳа бўйича доцент, маълум маълумотга эга бўлган, партия ва советлар иши юзасидан тажрибага ҳамда олий ўқув юртларида ишлаган мутахассис;

доцент ва катта ўқитувчилар (фан номзодлари): умумий ва сиёсий социология, оммавий-сиёсий ишларнинг ижтимоий психологияси ва педагогикаси бўйича мутахассис, КПСС аъзоси, партия ва совет ташкилотлари ҳамда олий ўқув юртларида ишлаган ва илмий-текшириш ишларидан хабардор шахслар.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Бизнинг манзилгоҳ: 700137, Тошкент шаҳри, Луначарское шоссеси, 54-уй. Телефон: 67-58-44, 67-17-66.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ КИЕВ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ КИИГАнинг

Тошкент бўлимида ишлаш учун «Олий математика» фани бўйича доцент лавозимига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 1 июлгача.

Ҳужжатлар, конкурслар тўғрисидаги низомга мувофиқ, қуйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 77-уй.

САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг В. Д. Журбин номли ЎРТА ОСИЁ ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

лабораториялар бўйича бўш лавозимларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: гидромелиоратив системаларни таъмирлаш;

катта илмий ходимлар: ҳосилни дастурлаштириш, бетон ва темир-бетон, илмий-техникавий олдиндан фараз қилиш, сув истеъмолини меъёрлаш;

илмий ходимлар: гидрогеологик мелиоратив жараёнлар (2).

Конкурс муддати — 5 июлгача.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700187, Тошкент шаҳри, 4- Қорасув даҳаси, 11-уй.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/VI да **Риголетто**, 27/VI да **Жизель**, 28/VI да **Чио-чио-сан**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26, 27/VI да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома** (премьера), 28/VI да **Жар**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 26, 27/VI да **Лақма куёв** (премьера), 28/VI да **Парвона**.

Ўзбекистон Тинчликни ҳимоя қилиш комитети ва Совет тинчлик фондининг Ўзбекистон бўлими Ўзбекистон Тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг раиси М. А. Зоидова онаси

Зоҳида ЗОИДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги институти ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти ва «Ҳисаблаш техникаси» кафедраси ходимлари кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Ш. М. Комиловга отаси

Мирзаҳмад КОМИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

ЮТҚАЗГАН ЎЙИНДАН ЧИҚАДИ

Италияда давом этаётган жаҳон чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди. Гуруҳларда ўтказилган саралаш ўйинлари якунланиб, кучли командалар курашнинг иккинчи босқичига йўлланма олишди. Энди нимчорак финал учрашувлари 16 команда ўртасида давом этади. Куни кеча ана шу командалар ўртасида қуръа ташланиб, учрашув қатнашчилари аниқланди. Чунончи, кеча ЧСФР — Коста-Рика ва Камерун — Колумбия командалари ўртасида дастлабки ўйинлар бўлиб ўтди. Бугун Бразилия — Аргентина ва ГФР — Голландия командалари майдонга тушадилар.

Маълумки, чемпионатнинг иккинчи босқич ўйинларида омади юришмаган командалар ўйиндан чиқиб қолаверадилар. Нимчорак финал учрашувлари эса яна икки кун давом этади. Эртага Ирландия — Руминия ва Италия — Уругвай командалари ўзаро куч синашсалар, сешанба куни Испания — Югославия ва Англия — Бельгия футболчилари учрашадилар. Кейин чорак финалчилар аниқланади. Демак ўйиндан ўйинга совриндорликка даъвогар командалар кўзга ташланиб боради. Чорак финал учрашувлари 30 июнь ва 1 июль кунларига мўлжалланган. Ярим финалчилар 3 ва 4 июль кунлари майдонга тушадилар. Ҳал қилувчи баҳс 8 июль куни Рим шаҳрида ўтказилади. Учинчи ўрин учун кураш 7 июлда бўлади.

●

УЧРАШУВЛАР ВА НАТИЖАЛАР

● Чим хоккей бўйича мамлакат биринчилиги олий лигасида (хотин-қизлар командаси) «Андижанка» ва «Политотдел» командалари муваффақиятли қатнашмоқдалар. «Андижанка» 13 очко билан иккинчи, «Политотдел» спортчилари 12 очко билан учинчи ўринда боришмоқда. Сўнгги турда пойтахт области командаси ўз майдонида «Дончанка» (Волгодонск) клубини бир хил — 2:0 ҳисобида енгди. «Андижанка» эса Гродно шаҳрининг «Ритм» командаси билан мусобақалашиб, дастлабки ўйинни дуранг (0:0) билан якунлади. Иккинчи ўйинда майдон эгалари устун келишди (2:0).

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

• 25 июнь, душанба

УзТВ-I. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Болалар учун фильм. 19.00 «Ёшлик». 19.30 Ахборот. 19.45 Ҳужжатли фильм. 20.00 Время. 20.30 Ҳужжатли фильм. 21.20 Концерт. 22.00 Ахборот. 22.20 Бўстон.

УзТВ-II. 17.45 Ҳужжатли фильмлар. 18.35 «24-25 қайтмаяпти». Бадиий фильм. **Душанбе.** 20.00 Время. 20.30 Тарих ҳақиқати — ҳаёт ҳақиқати. 21.00 Кинолавҳа. 21.05 Ижодкор. 22.00 Ахбор. 22.15 «Кемалар бонг уради ва жўнаб кетади». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 «Пи» белгиси билан. 9.05 Футбол. Нимчорак финал. 12.00 ва 16.30 Время. 17.00 Болалар соати. 18.00 Бизни фақат табиат асрайди. 18.15 Никитинлар билан учрашув. 19.40 Адабиёт матбуот кўзгусида. 20.00 Время. 20.30 Коллаж. 20.35 Мультфильм. 20.45 Футбол Нимчорак финал. 23.00 Халқаро конкурс. 23.20 ТСН. 00.45 Футбол Нимчорак финал.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.15 Янгра гармонь! 8.45 Болалар учун фильм. 16.50 Коллаж. 16.55 Жанубий Сахалиндан кўрсатилади. 17.30 Мультфильм. 17.45 Халқаро конкурс. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Время. 20.30 «Фақат Мюзикк-Холлда». Бадиий фильм. 21.35 Олмаота — Херосима телекўприги. 22.35 Ҳужжатли фильм.

• 26 июнь, сешанба

УзТВ-I. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Ўзбек тилини ўрганамиз. 18.10 Қўғирчоқ фильм. 18.30 Юлдузча. 19.00 Хизмат кўрсатиш тармоқлари. 19.30 Ахборот. 19.45 Ҳужжатли фильм. 20.00 Время. 20.30 Эркин Воҳидов. «Дониш қишлоқ лати-фалари». 21.05 Тижорат хабарлари. 21.10 «Чодир Жамол» томошаси. 22.00 Ахборот. 22.20 «Аблаҳ». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 17.40 Телефильм. 18.00 Эҳтиёт бўлинг сув! 18.10 Навоийхонлик. 18.35 «Турнахон». Бадиий фильм. **Душанбе.** 20.00 Время. 20.30 Тожикистон ССР Ички ишлар вазирлиги хабар қилади. 20.35 Тожикистон ССР халқ артисти Зафар Нозимов. 22.00 Ахбор. 22.15 Янги фильмлар ҳақида. 23.15 Телефильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Болалар соати. 9.05 Футбол. Нимчорак финал. 11.05 Коллаж. 12.00 Время. 12.40 «Бой, камбағал...» Бадиий фильм, 1-серия. 16.30 Время. 17.00 Биз ва иқтисодиёт. 17.45 Ҳужжатли фильм. 18.45 «Бой, камбағал...» Бадиий фильм, 1-серия. 20.00 Время. 20.30 Долзарб интервью. 20.40 Халқаро конкурс. 21.00 Ёзувчи, драматург ва файласуф С. Крижановский тақдири ҳақида. 21.45 ТСН. 00.45 Футбол. Нимчорак финал.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.15 Фильм-концерт. 8.45 Болалар учун фильм. 16.30 Халқаро конкурс. 17.30 Ислоҳот жамғармаси. 18.15 Халқ куйлари. 18.30 Теннис. Халқаро турнир. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Время. 20.45 Футбол. Нимчорак финал. 23.00 Куйловчи Россия.

• 27 июнь, чоршанба

УзТВ-I. 11.30 Телефильм. 12.00 Фильм-концерт. 12.30 «24-25 қайтмаяпти». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Абитуриент-90. 18.10 Қўғирчоқлар менинг дўстларим. 18.40 Ишнинг кўзини билиб. 19.05 Тўра Сулаймон шеърлари асосида. Телекомпозиция. 19.30 Ахборот. 19.45 Манзарали фильм. 20.00 Время. 20.30 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди якунлари ва КПСС XXVIII съездига тайёргарлик арафасида. 21.20 Танбур ва дутор тароналари. 22.00 Ахборот. 22.20 «Сўлим мавсум». Бадиий фильм.

УзТВ-II 17.40 Ҳамкорлик — ўзаро манфаатдорлик асосидир. 18.00 Спорт шарҳи. 18.25 «Олтин тиш». Бадиий фильм. **Душанбе.** 22.00 Время. 22.30 КПСС XXVIII съезди делегатлари билан бевосита телевизион суҳбат. 19.30 Мусиқий программа. 22.00 Ахбор. 22.15 Ҳаётий деҳот. 22.55 Қайсин Қулиев. Менинг ердаги изим. Телефильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Ёзувчи, драматург ва файласуф С. Крижановский тақдири ҳақида. 8.45 Меъзон. 9.05 Футбол Нимчорак финал. 10.45 «Бой, камбағал...» Бадиий фильм, 2-серия. 12.00 ва 16.30 Время. 17.00 Болалар соати. 18.00 Бутуниттифоқ «Билим» жамиятида давра суҳбати. 18.45 «Бой, камбағал...» Бадиий фильм, 2-серия. 20.00 Время. 20.30 Коллаж. 20.35 Халқаро конкурс. 20.55 Олам кинокамера кўзгусида. 21.55 «Тун қувноқ ўтди». Бадиий публицистик фильм. 23.15 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.15 Болалар учун фильм. 9.35 Концерт. 10.05 Футбол. Нимчорак финал. 16.30 Биз ва иқтисодиёт. 17.15 «Мутлақо Наманганга даҳли йўқ воқеа». Тошкентдан кўрсатилади. 17.45 Халқаро конкурс. 18.30 Теннис. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Кичик концерт. 20.00 Время. 20.30 «Фиравьн». Тарихий фильм, 1-серия. 21.50 Концерт. 22.30 Халқаро конкурс.

• 28 июнь, пайшанба

УзТВ-I. 11.30 Телефильмлар. 12.00 «Турнахон». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Мультфильм. 17.50 Хавфсиз ғилдирак. 18.25 Алифбо сабоқлари. 19.00 Футбол чорраҳаларида. 19.30 Ахборот. 19.45 Манзарали фильм. 20.00 Время. 20.30 Концерт. 21.00 Амалий давра суҳбати. 22.00 Ахборот. 22.20 Фарғона педагогика институтида. 22.35 «Аёллар салтанати». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 17.40 Китобсевар-лар. 18.15 «Евдокия». Бадиий фильм. **Душанбе.** 20.00 Время. 20.30 Хотин-қизлар учун кўрсатув. 21.05 Видеофильм-концерт. 22.00 Ахбор. 22.15 «Журавлинода ёз». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Олам кинокамера кўзгусида. 10.35 «Бой, камбағал...» Бадиий фильм, 3-серия. 12.00 Время. 16.30 Время. 17.00 Концерт. 17.20 Автомобиль, ҳайдовчи, йўл. 18.00 Реклама. 18.30 Шеърият лаҳзалари. 18.35 «Бой, камбағал...» Бадиий фильм, 3-серия. 20.00 Время. 20.30 Халқаро конкурс. 20.50 Эфирда мусиқа. 22.50 Матбуот клуби. 23.30 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия 8.15 Концерт. 8.45 Болалар учун фильм. 16.30 Ритмик гимнастика. 17.00 Ҳужатли фильм. 17.30 Халқаро конкурс. 18.30 Теннис. Халқаро турнир. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Экранда Сибирь. 19.55 Коллаж. 20.00 Время. 20.30 «Фиравьн». Тарихий фильм, 2-серия. 22.15 Ҳужжатли фильм.

• 29 июнь, жума

УзТВ-I. 11.30 Қўғирчоқ фильм. 12.05 «Умрбек ва кал ўғлон». Спектакль. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Манзарали фильм. 18.10 Мактаб ислоҳоти — амалда. 18.50 Мультфильм. 19.00 Галла — ризқ-рўзимиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Телефильм. 20.00 Время. 20.30 Телефильм. 20.50 Концерт. 21.45 Тижорат хабарлари. 21.50 Одобнома. 22.00 Ахборот. 22.20 «Ёшлик». Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.

УзТВ-II. 17.40 Телефильм. 17.55 «ГАИ инспектори». Бадиий фильм. 19.10 «Тошкент» студияси. **Душанбе.** 20.00 Время. 20.30 «Таронахои Шарқ». 21.30 Телефильм. 22.00 Ахбор. 22.15 Тожикистон Ички ишлар вазирлиги хабар қилади. 22.20 «Бахтсиз қиз». Телеспектакль.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Концерт. 8.35 Ҳокимият — Советларга. 10.45 «Бой, камбағал...» Бадиий фильм, 4-серия. 12.00 Время. 15.45 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 16.30 Время. 17.00 Мультфильм. 17.15 Сиёсий мулоқотлар. 18.45 «Бой, камбағал...» Бадиий фильм, 4-серия. 20.00 Время. 20.30 Коллаж. 20.35 Долзарб интервью. 20.45 «Нима? Қачон? Қаерда» 21.25 Нигоҳ 22.55 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.15 Чашмалар. 8.45 Болалар учун фильм. 16.30 Туркманистон ССР Давлат телерадиоси. 17.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.30 Концерт. 18.30 Теннис. Халқаро турнир. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Время. 20.30 «Катта ер». Бадиий фильм.

• 30 июнь, шанба

УзТВ-I. 9.00 Оролни қутқаришга бағишланган узлуксиз телекўрсатувлар. 19.30 Ахборот. 20.00 Время. 22.00 Ахборот.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 Адабий-мусиқий кўрсатув. 9.50 «Марҳабо, Бадаҳшон». 12.00 «Орол яшаши керак». 12.40 Фильм-концерт. 13.10 «Сирли элчи». Бадиий фильм, 2-серия. 18.05 Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.40 Болалар учун фильм. 19.00 «Дурдона». 19.30 Новости. 19.45 Ҳужжатли фильм. 20.00 Время. 20.30 КПСС XXVIII съезди олдидан. 22.00 Ахбор. 22.15 Нурий зиндаги.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Сиз яратган боғ. 8.35 Тижорат хабарномаси. 9.05 Жаҳон халқлари ижоди. 9.40 Мультфильм. 9.50 Инсон институти. 10.50 Канада XXI аср бўсағасида. 11.50 Спектр. 12.20 Ҳайвонот оламида. 13.20 «Ялангоёқлар». Бадиий фильм. 14.50 Сиёсий мулоқотлар. 15.40 Мультфильм. 16.10 Ўзгарувчан дунёда режиссёр. 17.30 Халқаро панорама. 18.15 Ижодкор. 18.55 Концерт. 22.00 Время. 22.30 Долзарб интервью. 22.45 Футбол. Чорак финал. 23.00 Концерт. 23.45 ТСН. 00.10 Мюзиклар. 00.45 Футбол. Чорак финал.

МТ-II. 7.30 Бадантарбия. 7.45 Оила. 8.45 «Жуда керакли одам». Бадиий фильм. 9.55 Ешлар хабарномаси. 10.30 «Совет Россияси» видеоканали. 13.00 Ҳамдўстлик. 16.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 17.00 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. 17.30 Концерт. 18.30 Теннис. Халқаро турнир. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Время. 20.30 Ҳужжатли фильм. 21.40 Матбуот клуби. 23.25 «Зўр ўтирибмиз» Бадиий фильм.

• 1 июль, якшанба

УзТВ-I. 9.00 Орол яшаши керак. Узлуксиз кўрсатув. 14.30 Деҳқон юмушлари. 15.00 Болалар учун театр/ 16.20 Андижон лавҳалари. 17.00 Юксалиш сари. 17.30 Концерт. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Оқшом эртаклари. 20.00 Время. 20.30 КПСС XXVIII съезди олдидан. 21.10 Якшанба оқшомида. 22.00 Ахборот. 22.20 Саид Аҳмад таваллудининг 70 йиллигига бағишланган кеча.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 Мусиқий ахборот. 10.05 Реклама. 10.15 Болалар учун телеспектакль. 11.25 «Акс-садо келганда». Бадиий фильм. 18.00 «Акс-садо келганда». Бадиий фильм. 19.05 Мусиқа менинг ҳаётимда. 20.00 Время. 20.30 Забони мо — чаҳони мо. 21.05 Армугон. 22.00 Ҳафта. 22.30 «Сирли элчи». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 Спортлото. 8.30 Эрта саҳарлаб. 9.30 Ватан хизматида. 10.30 Тонги дам олиш программаси. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.00 Здоровье. 12.15 Мусиқий киоск. 13.15 Фотоконкурс. 13.20 Образ. 14.40 Мультфильм. 15.00 Ҳаракат хавфсизлиги ҳақида. 15.25 Бизнинг мерос. 16.10 Қишлоқ янгиликлари. 17.25 А. Серов куйлайди. 18.00 Мультфильм. 20.00 Время. 20.30 Абадият ҳақида ўйлар. 20.45 Футбол. Чорак финал. 23.00 Концерт. 00.45 Футбол. Чорак финал.

МТ-II. 7.30 Зарядкага сафланинг. 7.45 Экранда 01. 8.15 Футбол. Чорак финал. 9.15 Футбол. Чорак финал. 10.15 Концерт. 10.55 Коллаж. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.00 Мультильм. 12.20 Чувашия телевидениеси. 13.05 Биз яшаётган олам. 14.00 «Совет Россияси» видеоканали. 16.30 Планета. 17.30 Концерт. 18.30 Москвада биллиарднинг уч куни. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Время. 20.30 Киносерпантин. 20.50 Теннис. Халқаро турнир.

Р. — 04663. № 143. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12